

“POYTAXT AVTO PARKING”
mas’uliyati cheklangan jamiyati
ishtirokchisi (taъsischisi)ning
2021 йил 7 сентябрдаги қарори билан



«ТАСДИҚЛАНГАН»

М.У.

“POYTAXT AVTO PARKING”

MAS’ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATIning

УСТАВИ

(янги тахрирда)

Тошкент-2021

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. “POYTAHT AVTO PARKING” Масъулияти чекланган жамиятининг (бундан буён матнда «Жамият» деб юритилади) мазкур Устави Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Жамият Муассиси:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Munitsipal aktivlarni boshqarish markazi» давлат унитар корхонаси

СТИР: 201623064 Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 16 ноябрдаги 1637-сонли қарорига асосан ташкил топган.

1.3. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Давлат тилида: “POYTAHT AVTO PARKING” mas’uliyati cheklangan jamiyati,

Рус тилида: Общество с ограниченной ответственностью “POYTAHT AVTO PARKING”;

Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

Давлат тилида: “POYTAHT AVTO PARKING” MCHJ

Рус тилида: ООО “POYTAHT AVTO PARKING”.

1.4. Жамиятнинг почта манзили: 100027, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов шох кўчаси, 55-уй

1.5. Жамият чекланмаган муддатга ташкил этилади.

II. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ

2.1. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига асосан юридик шахс ҳисобланади. Жамият белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади.

2.2. Жамият ўз фаолиятини мазкур устав ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ ва таъсис ҳужжатларига асосан амалга оширади.

2.3. Жамият ўз мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради. Жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган хиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар. Жамиятнинг ўз хиссасини тўла қўшмаган иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи хиссасининг тўланмаган қисмининг қиймати доирасида солидар жавобгар бўладилар.

2.4. Жамият ўзининг тўлиқ фирма номи давлат тилида ифодаланган ва жамиятнинг жойлашган ери кўрсатилган думалоқ муҳрга эга бўлишга ҳақли. Жамиятнинг муҳрида унинг фирма номи жамиятнинг танловига кўра бошқа тилларда ҳам ифодаланиши мумкин.

2.5. Жамият ўз эгалигида мустақил балансда ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка эга, ўз номидан ҳуқуқлар ва мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

III. ЖАМИЯТНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ

3.1. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ваколатхоналар ва филиаллар ва бошқа алоҳида бўлинмалар тузишга ҳақли.

IV. ЖАМИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАН МАҚСАД ВА ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ

4.1 Жамият хўжалик фаолиятини хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш, жамият иштирокчиси ва меҳнат жамоасининг моддий ҳамда ижтимоий эҳтиёжларини қондириш мақсадида амалга оширади.

4.2 Жамият фаолиятининг соҳаси қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 августдаги "Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича экспериментни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 5511-сонли фармони ижроси юзасидан автотўхташ жойларида асфальтлаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари, кириш ва чиқиш жойларига инновацион электрон ускуналар босқичма-босқич ўрнатиш, Шунингдек, ушбу автотураргоҳларда солиқ органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш имконини берадиган видеокузатув ва автототранспорт воситалари кириш ва чиқиш вақтини қайд этиш тизими билан жиҳозланиш ишлари амалга ошириш;

- ижарага берилган маъмурий, ишлаб-чиқариш биноларига, савдо дўконлари ва омборхона объектларига коммунал хизматлари кўрсатиш ва шунга ўхшаш турли хизматларни амалга ошириш;

- Ўзининг тасарруфидаги ёки бошқа ўзининг фойдаланишида бўлган бинолар, иншоотлар, дўконлар, киосклар, инвентарь ва бошқа шу кабиларни, жисмоний ва юридик шахсларга ижарага бериш; савдони ташкил қилиш учун майдонларни ижарага бериш ва бошқариш;

- халқ истеъмол буюмлари, ишлаб-чиқариш техникавий маҳсулотлари, кундалик зарур бўлган уй-рўзғор буюмлари ҳамда бошқа моллар билан чакана ва улгуржи савдони ташкил этиш;

- юридик ва жисмоний, шу жумладан, хорижий шахслар учун транспорт, фрахт, экспедиция, омборлардан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш;

- компакт дисклар, видео ва аудио маҳсулотлари ижарасини ташкил этиш;

- ёрдамчи ва хунармандчилик корхоналари маҳсулотлари савдосини ташкил қилиш учун керакли шароитларни яратиш;

- озиқ-овқат ва товарларни ишлаб чиқариш мақсадида керакли бозор хизмати инфраструктурасини яратиш;

- четдан товарларни жалб қилиш, шахсий товарларни ишлаб чиқариш ва уларни аҳолига сотиш, ташкилот ва корхоналарга хизмат кўрсатиш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан ташки иктисодий фаолият кўрсатиш;

- тижорат, дорихона, савдо-харид корхоналари, умумий овқатланиш шаҳобчалари очиш;

- фойдаланилган металл ва металл буюмлари, ёғочдан ишланган буюмлар, мебел маҳсулотлари, электр жиҳозлари, уй- рўзғор буюмлари, техника воситалари ва бошқа ҳар-хил турдаги фойдаланилган буюмларни харид қилиш ҳамда уларни таъмирлаб ва қайта ишлов бериб, корхона, муассаса ва ташкилотларга, шунингдек, аҳолига ўрнатилган тартибда улгуржи ва чакана сотиш;

- умумий овқатланиш соҳасида хизмат турларини кўпайтириш, ресторан, кафе, барлар очиш, миллий ва европа таомларини тайёрлаб сотиш;

- жисмоний шахс ёки юридик шахс ҳуқуқини берувчи, шу жумладан тижорат корхоналарини, марказларини ташкил қилиш;

- пуллик авто турар жойларини, маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини, кирхоналар, сартарошхоналар, косметолог хоналари ва салонлар, бошқа маиший хизмат шаҳобчаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш, аҳоли ва корхоналар учун маиший хизмат кўрсатиш;

- ҳар-хил қандолат моллари, салқин ичимликлари, музқаймоқ ишлаб чиқариш ва сотиш;

- ун тайёрлаш ва сақлаш, қайта ишлаш, нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш;

- тижорат, савдо-сотик ва савдо-воситачилик фаолияти;

- ҳомийлик қилиш ва ҳомийлик ёрдамларини олиш;
- томошалар, шоу ўйинлари, лотареялар, ижодий мусобақалар, кечалар, учрашувлар, тантаналар, спорт мусобақалари ва беллашувлари, бошқа маданий-оқартув, спорт соғломлаштириш ва томоша тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш шунингдек, бундай тадбирларда қатнашиш;

- бинолар ва уйларни куриш, эгаллаш, ташкил этиш, лизинг шартлари бўйича ёки бошқа асосларда ижарага бериш, шунингдек улардан фойдаланиш, дўконлар, универсамлар, супермаркетлар, савдо уйлари, ярмаркалар, киосклар, лотоклар, савдо жойлари ва бошқа савдо объектларини ташкил этиш;

- кўчмас мулк объектларини эгаллаш, фойдаланиш, ижарага бериш ва сотиш, кўчмас мулк билан бошқа операцияларни амалга ошириш;

- бозор конъюктурасини ўрганиш, сотиладиган товарларни баҳо ва баҳоларни ташкил қилишни ўрганиш, ички ва ташқи ҳамкорлар билан алоқаларни тиклаш тадбирларни ўтказиш;

- Тадбиркорлик субъеклари билан ҳамкорлик шартномалари асосида савдо дўконлари, умумий овқатланиш ва бошқа бино ва иншоотларини тадбиркор ва ўз хисобидан шартномада келишилган ҳолда куриш, жорий ва капитал таъмирлаш.

- Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан таъқиқланмаган барча фаолиятлар, шунингдек савдо комплекслари билан боғлиқ кўп турдаги фаолиятлар билан шуғулланиш.

4.3. Амалга оширилиши учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият тегишли рухсатнома (лицензия) олингандан кейин амалга оширилади.

V. ИШТИРОКЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Жамият иштирокчиси қуйидагиларга ҳақлидирлар:

қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш;

қонун ҳужжатларида ва жамият таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;

фойдани тақсимлашда ва унинг тегишли қисмини олишда иштирок этиш;

жамиятнинг устав фондидаги ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг уставида назарда тутилган тартибда мазкур жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига ёхуд учинчи шахсларга сотиш ёки ўзга тарзда уларнинг фойдасига воз кечиш;

жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг ўзига тегишли қисмини ёки унинг қийматини олиш;

жамият иштирокчиси жамиятнинг таъсис ҳужжатларида ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

5.2. Жамият иштирокчисининг мажбуриятлари:

қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган қоидаларга амал қилишлари;

қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда ҳисса кўшишлари;

жамият фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмасликлари шарт.

Жамият иштирокчисига жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

VI. ЖАМИЯТНИНГ МОЛ-МУЛКИ ВА МАБЛАҒЛАРИ

9.1. Жамият иштирокчиси жамиятнинг устав фондидаги ўз улушини ёки улушининг қисмини бошқа шахсларга сотишга ёки бошқача шаклда уларнинг фойдасига воз кечишга ҳақли.

9.2. Жамият иштирокчисининг улуши тўлиқ тўланган давргача бўлган муддатда тўланган қисми бўйичагина бегоналаштирилиши мумкин.

9.3. Жамият устав фондидаги улушдан (улушнинг бир қисмидан) бошқа шахснинг фойдасига воз кечиш, оддий ёзма шаклда амалга оширилиши керак.

X. ЖАМИЯТНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ

10.1. Жамият куйидаги ҳужжатларни сақлаши шарт:

- жамиятнинг таъсис ҳужжатлари, шунингдек жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартишлар ва қўшимчалар;

- жамият муассислари йиғилишининг жамиятни ташкил этиш ва жамиятнинг устав фондига қўшиладиган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳосини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни, шунингдек жамиятни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа қарорларни ўз ичига олган баённомаси;

- жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

- жамиятнинг ўз балансида турган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;

- жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги низомлар;

- жамият иштирокчиси умумий йиғилишининг ва жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи мажлисларининг баённомалари;

- жамият аудиторлик ташкилотининг ҳулосалари;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

10.2. Юқорида айтиб ўтилган ҳужжатлар ижро этувчи орган жойлашган жойда сақланади.

10.3. Агарда амалдаги қонун ҳужжатлари билан бошқача қоидалар белгиланган бўлмаса, жамият мазкур уставнинг 10.1-бандида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни доимий сақлайди.

10.4. Жамият ҳар қандай иштирокчининг талаби билан унга ахборот, шунингдек таъсис ҳужжатларини унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан тақдим қилиши ёки нусха бериши шарт.

XI. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

11.1. Жамият ўз фаолиятини мустақил режалаштиради ва ўз маҳсулоти ва хизматларига нархларни бозор конъюктурасидан келиб чиқиб белгилайди.

11.2. Жамият мустақил равишда бухгалтерия ҳисобини, статистика ва молиявий ҳисоботни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

11.3. Жамият мустақил равишда жамиятнинг ташкилий тузилмасини, штат жадвалини ва меҳнатга ҳақ тўлашни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилади.

11.4. Жамият фаолиятига оид ҳисоботларни қонунда белгиланган тартибда давлат органларига тақдим қилади.

XII. ДАРОМАДНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗИЁНЛАРНИ ҚОПЛАШ

12.1. Жамият йилнинг ҳар чорагида, ярим йилда бир марта ёки бир йилда бир марта ўзининг соф фойдасини жамият иштирокчиси ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир. Жамиятнинг жамият иштирокчиси ўртасида тақсимланадиган фойдаси қисмини аниқлаш тўғрисидаги қарор жамият иштирокчисининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

12.2. Жамият устав фондининг 15% микдорида захира фонди шакллантиради. Жамиятнинг захира фонди унинг зарарларини қоплаш ва қонунда назарда тутилган

6.1. Жамият мустақил равишда ўзига тегишли мол-мулкдан фойдаланади.

6.2. Жамиятнинг мол-мулки:

- иштирокчининг улушларидан;
- жамият фаолияти натижасида олинган фойдадан;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалардан шакллантирилади.

VII. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ

7.1. Жамиятнинг ташкил этилиши ва фаолиятини амалга ошириши учун иштирокчи 4 500 000 (тўрт миллион беш юз минг) сўм миқдорида устав фонди шакллантиради.

7.2. Иштирокчининг устав фондидаги улушлари қуйдагича:

- Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Munitsipal aktivlarni boshqarish markazi» давлат унитар корхонаси- 4 500 000 (тўрт миллион беш юз минг) сўм, яъни 100%;

7.3. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин бир йил мобайнида Иштирокчининг ҳар бири устав фондидаги улушини тўлиқ киритади.

7.4. Пул, қимматли қоғозлар, ўзга ашёлар ёки мулкый ҳуқуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар жамиятнинг устав фондига қўшиладиган ҳиссалар бўлиши мумкин.

7.5. Жамият иштирокчисининг умумий йиғилиши қарорига асосан устав фондини кўпайтириши ёки камайтириши мумкин.

7.6. Жамиятнинг устав фондини кўпайтиришга у тўлиқ тўланганидан кейингина йўл қўйилади. Жамият устав фондининг кўпайтирилиши жамиятнинг мол-мулки ҳисобига ва (ёки) жамият иштирокчининг қўшимча ҳиссалари ҳисобига, жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахслар ҳиссалари ҳисобига амалга оширилиши мумкин. Жамият устав фондини жамиятнинг мол-мулки ҳисобига кўпайтириш тўғрисидаги қарор бундай қарор қабул қилинган йилдан олдинги йил учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосидагина қабул қилиниши мумкин.

7.7. Жамиятнинг устав фондини камайтириш иштирокчига тегишли бўлган улушларнинг номинал қийматини камайтириш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Жамият устав фондини камайтириш ва унинг янги миқдори тўғрисида қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб ўттиз кун мобайнида жамиятнинг унга маълум бўлган барча кредиторларини хабардор қилиши, шунингдек қабул қилинган қарор тўғрисида оммавий ахборот воситаларида маълумот эълон қилиши шарт.

7.8. Устав фондини ўзгартириш тўғрисидаги қарор учинчи шахслар учун жамиятнинг таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейингина кучга киради.

VIII. ИШТИРОКЧИНинг ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИ САФИДАН ЧИҚИШИ ВА УНИНг ОҚИБАТЛАРИ

8.1. Жамиятнинг иштирокчиси ўзининг улушини сотиши ёки бошқа тартибда бошқанинг фойдасига воз кечиш орқали жамият иштирокчиси сафидан чиқиш ҳуқуқига эга. Бу ҳолатда унга ўзи томонидан устав фондига киритилган улушнинг ҳақиқий қиймати натура ёки ҳақиқий қийматига тенг бўлган пул кўринишида қайтарилади.

8.2. Жамият иштирокчиси ўзгартирилганидан кейин жамиятнинг таъсис ҳужжатларига зарурий ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиши лозим.

8.3. Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин кучга киради.

IX. ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИСИНИНг ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИДАгИ УЛУШИНинг (УЛУШИ БИР ҚИСМИНИНг) ЖАМИЯТНИНг БОШҚА ИШТИРОКЧИЛАРИГА ВА УЧИНЧИ ШАХСЛАРГА ЎТИШИ

ҳолларда Жамиятнинг устав фондидаги улушни (улушнинг кисмини) сотиб олиш учун мўлжалланган.

12.3. Жамият томонидан иштирокчиларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра мақсадли фондлар ташкил қилиниши мумкин. Мазкур фондлардаги маблағлар фақатгина кўзда тутилган харажатлар учун йўналтирилади.

XIII. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

13.1. Жамият фаолиятини бошқаришни унинг бошқарув органлари амалга оширадилар.

13.2. Жамиятнинг бошқарув органлари бўлиб, - иштирокчиларнинг умумий йиғилиши, — олий бошқарув органи, Кузатув кенгаши - жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилувчи орган ва директор- ижро этувчи орган ҳисобланади.

XIV. ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ (ИШТИРОКЧИ) УМУМЙЙ ЙИҒИЛИШИ

14.1. Жамиятнинг олий бошқарув органи бўлиб жамият иштирокчисининг умумий йиғилиши ҳисобланади.

14.2. Жамият иштирокчиси умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

- жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек тижорат ташкилотларининг бошқа бирлашмаларида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - жамият устав фондининг миқдорини ўзгартириш;
 - таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;
 - жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
 - йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш;
 - жамиятнинг соф фойдасини жамият иштирокчиси ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);
 - аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотлари ҳамда уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш;
 - бошқа юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - қонунда тақиқланмаган бошқа масалалар;
 - тугатувчини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш.
- 14.3. Қуйилган масалалар иштирокчининг қарорига асосан қабул қилинади.

XV. КУЗАТУВ КЕНГАШИ

15.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, ушбу устав билан иштирокчининг мутлақ ваколатларига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

15.2. Кузатув кенгашининг таркиби 5 (беш) кишидан иборат бўлиб, иштирокчи томонидан бир йил муддатга сайланади. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари таркибига сайланган шахслар чекланмаган марта қайта сайланишлари мумкин.

15.3. Кузатув кенгашининг аъзоси бир вақтда ижроия органи аъзоси (бошқарув аъзоси) бўла олмайди. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари оддий кўпчиллик овоз билан сайланади.

15.4. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчиллик овоз билан сайланади.

15.5. Жамият иштирокчиси умумий йиғилиши қарорига кўра ёки иштирокчи умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Кузатув кенгаши ҳақидаги низом талабларига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши мумкин.

15.6. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чоратadbирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- жамиятнинг ижро этувчи органларини тузиш, уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- жамиятнинг ижро этувчи органи раҳбарига тўланадиган ҳақ ва бадаллар миқдорини белгилаш;

- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш;

- қиймати жамият мол-мулкнинг бешдан то эллик фоизигачасини ташкил этадиган мол-мулкни олиш, тасарруфдан чиқариш ёки жамият бевосита ёхуд билвосита тасарруфдан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган йирик битимларни тузиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш;

- жамиятнинг йиллик даромадлар ва харажатлар сметасини қабул қилиш ва уни иштирокчи тасдиғига киритиш;

- жамиятнинг заҳира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

- жамиятни қайта ташкил этиш ва жамиятнинг йиллик ҳисоботларини бухгалтерия балансларини, фойда ва зарарларни тасдиқлаш, унинг фойда ва зарарларини тақсимлаш бўйича масалаларни иштирокчи кўриб чиқиши учун унинг муҳокамасига киритиш;

15.7. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

15.8. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

15.9. Жамият директори жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

15.10. Айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

15.11. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

15.12. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, Жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

15.13. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

- мажлиснинг кун тартиби;

- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;

- қабул қилинган қарорлар.

15.14. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

15.15. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади.

15.16. Жамият Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

15.17. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Заруриятга кўра Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

XVI. ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАН (ДИРЕКТОР)

16.1. Жамиятнинг ижро этувчи органи бўлиб жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи директор ҳисобланади.

16.2. Жамиятнинг директори Кузатув кенгаши томонидан тайинланади ва худду шундай тартибда лавозимидан озод қилинади (иштирокчи умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилинган ҳоллар бундан мустасно).

16.3. Жамият ва жамиятнинг директори ўртасидаги шартнома, жамият номидан, директор тайинланган жамият Кузатув кенгаши раиси томонидан имзоланади.

16.4. Директор лавозимига Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин.

16.5. Директор лавозимидан иштирокчининг умумий йиғилиши қарори билан озод қилиниши мумкин.

16.6. Жамиятнинг директори:

жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди ва битимлар тузади;

жамият номидан вакиллик қилиш ҳукуқи учун ишончномалар беради;

жамият ходимлари билан меҳнат шартномалари тузади ва уларни бекор қилади, ходимларга нисбатан рағбатлантириш чораларини ва интизомий жазоларни қўллайди;

жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди;

жамиятнинг ташкилий тузилмасини, жамият ходимларининг штат жадвалини ва меҳнатга ҳақ тўловларини тузади ва тасдиқлайди;

Жамият ходимлари рағбатлантириш ва иш ҳақиға қўшимча тўловларни белгилаш, лавозим иш ҳақларини, уларга турли қўшимча тўловларни белгилайди

Жамият ходимларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида компенсация тўловларини белгилайди;

Малакали кадрлар билан тўлиқлигини таъминлайди;

Жамият мол-мулки ва пул маблағларини қонун ҳужжатларида ҳамда ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тасарруф қилади;

Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини ишлаб чиқади ва бажарилишини таъминлайди ҳамда жамиятнинг йиллик умумий йиғилишида ҳисобот беради;

Ўзбекистон Республикаси банкларида ҳисоб рақамларни очади, жамиятнинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари ва ҳисоботларини имзолайди;

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботларни тақдим этилишини таъминлайди;

Давлат статистика ва бухгалтерия ҳисоботларини тегишли органларга тўлиқ ҳамда ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

Жамиятнинг таркибий бўлинмалари низомларини ёки йуриқномаларини тасдиқлайди;

Жамият мол-мулки кийматининг ўн беш фоизгача ташкил этадиган мол-мулкни олиш, тасарруфдан чиқариш ёки Жамият бевосита ёхуд билвосита тасарруфидан чиқариш эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битим ёки ўзаро боғлиқ бир неча битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилади;

Жамият Кузатув кенгаши ва иштирокчисининг қарор қабул қилиши учун масалаларни киритади;

Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва иштирокчиси йиғилишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

Жамият архиви ишини ташкил этиш ва ундаги ҳужжатлар бутлигини таъминлаш;

қонун ҳужжатлари ва жамиятнинг устави билан жамият Кузатув кенгаши ва иштирокчисининг умумий йиғилиши ваколатлари жумласига киритилмаган бошқа ваколатларни амалга оширади.

16.7. Директор Кузатув кенгашига ва иштирокчи умумий йиғилишига ҳисобот беради ва унинг олдида жамият фаолиятининг амалга оширилиши ҳамда унга юклатилган вазифа ва топшириқларнинг бажарилиши учун жавобгардир.

16.8. Директор жамият мол-мулкини тасарруф этиши ва Кузатув кенгаши ҳамда иштирокчининг умумий йиғилиши қарори бўйича йирик битимлар тузиши мумкин.

XVII. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ

17.1. Жамиятда алоҳида назорат қилувчи органнинг тузилиши кўзда тутилмаган.

17.2. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назорат иштирокчи ёхуд мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан амалга оширилади.

17.3. Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш хаки миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган тақдирда жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдордир. Ички аудит хизмати аъзоларининг сони ва шахсий таркиби амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда ташкил этилади.

17.4. Ички аудит хизмати Жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

17.5. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

XVIII. ХОДИМЛАР

18.1. Жамият маъмурияти ходимлар билан жамоа шартномасини имзолайди. Ушбу шартноманинг мазмуни, шу жумладан «Ходимларнинг ижтимоий таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги низом» Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, мазкур устав, шунингдек жамият фаолиятининг хусусиятлари билан белгиланади.

XIV. ЖАМИЯТНИНГ ТИЖОРАТ СИРИ

19.1. Жамиятнинг тижорат сири — учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли тижорат қимматига эга бўлган, қонуний асосда эркин фойдаланилмайдиган ахборот бўлиб, ушбу ахборот жамият томонидан унинг махфийлигини муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни кўради.

19.2. Тижорат сирининг муҳофаза қилинишини таъминлаш мақсадида ходим: иш берувчи томонидан ўрнатилган тижорат сири режимига риоя этиши; иш берувчининг розилигисиз тижорат сирини ошкор этмаслиги ва ундан шахсий мақсадларда фойдаланмаслиги;

меҳнат шартномаси (контракт) бекор қилинганда ўз фойдаланишида бўлган, тижорат сири акс этган моддий жисмларни иш берувчига топшириши ёки уни мазкур жисмлардан иш берувчининг назорати остида йўқ қилиб ёхуд ўчириб ташлаши шарт.

XX. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

20.1. Жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 49 — 55-моддаларида ва «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 49 — 55-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

20.2. Жамиятни қайта ташкил этиш иштирокчининг умумий йиғилиши қарори бўйича қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш шаклида амалга оширилиши мумкин.

20.3. Жамият белгиланган тартибда ихтиёрий равишда иштирокчининг Умумий йиғилиши қарори бўйича тугатилиши мумкин. Жамият қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра суднинг қарорига биноан ҳам тугатилиши мумкин.

20.4. Жамиятнинг тугатилиши ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиб қўйилганидан сўнг жамиятни тугатиш тамомланган, жамиятнинг фаолияти эса тугаган ҳисобланади.

XXI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

21.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар келишувийли билан амалдаги қонун ҳужжатлари, таъсис шартномаси ва уставга асосан ҳал қилинади.

21.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар суд орқали, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

XXII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

22.1. Мазкур Устав жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

22.2. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган масалалар, қонунда бошқа ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, ушбу Уставга мувофиқ тартибга солинади.

ИШТИРОКЧИ:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Munitsipal
aktivlarni boshqarish markazi” давлат
унитар корхонаси Бош директори



М.М. Абдурахманов